



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2025 йил 25 июнь, № 128 (9023) Чоршанба Сайтизмизга Ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ВА МЎҒУЛИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг таклифига биноан 24 июнь куни рафиқаси билан бирга давлат ташрифи билан ушбу мамлакатга келди.



Давлатимиз раҳбарини Мўғулистон ташқи ишлар вазири Батмунх Батцэцэг ва бошқа расмий шахслар кутиб олди. Икки мамлакат байроқлари билан безатилган «Буянт-Ухаа» аэропортида олий мартабали меҳмонлар шарафига faxрий қоровул саф тортиди.

Бу ташриф мазмун-моҳиятига кўра тарихий воқеа, десак, муболага бўлмайди. Нега деганда, икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган ўттиз йилдан ортқ вақт давомида биринчи марта Ўзбекистон раҳбари Улан-Баторга давлат ташрифи билан бормоқда.

Шу маънода айтиш мумкинки, ушбу ташриф ўтган йилнинг июнь ойида Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида бошланган фаол сиёсий мулоқотнинг манتيқий давомидир.

Ўзбекистон ва Мўғулистон географик жиҳатдан узок жойлашган ва умумий чегараларга эга бўлмасда-да ўзаро алоқалар дипломатия, иқтисодиёт, транспорт, маданият ва гуманитар соҳаларда жаддал ривожланмоқда. Хусусан, Тошкентда Мўғулистон элчихонасининг очилиши, ҳуқуқматлар ва парламентлараро мулоқотнинг фаоллашгани, 14 та икки томонлама битимнинг имзоланиши ўзаро ишонч ва шерикликни чуқурлаштириш истаги кучайганидан далолат беради.

Шавкат Мирзиёевнинг Улан-Баторга давлат ташрифи Ўзбекистон — Мўғулистон муносабатларида янги босқични бошлаб беради. Бунда прагматизм,

ўзаро манфаатдорлик, барқарор ривожланиш ва замонавий муаммоларга ҳамжиҳатлик билан ёндашиш асосий йўналишлар бўлиб қолди.

Давлатимиз раҳбарини Мўғулистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг расмий кутуб олиш маросими бўлди.

Давлатимиз раҳбарини ва рафиқасини Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух рафиқаси билан кутиб олди. Сўз-Ботир майдонида олий мартабали меҳмон шарафига faxрий қоровул саф тортиди.

Харбий оркестр ижросида икки давлат мадҳиялари янгради.

Президентлар faxрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини кутди.

Маросимдан сўнг Ўзбекистон Президенти Мўғулистон Давлат саройидаги Faxрий меҳмонлар китобида қайд ёзиб қолди.

Мўғулистон Давлат саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг тор доирадаги расмий делегациялар иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Мўғулистон етакчилигидаги самими қабул ҳамда ушбу мамлакатга жавоб давлат ташрифи билан келиш таклифи учун миннатдорлик билдирди.

Икки томонлама муносабатлар тарихида биринчиси бўлган ушбу ташриф кўп қиррали Ўзбекистон — Мўғулистон алоқаларини ривожлантиришда янги

босқични бошлаб бериши алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Президенти Мўғулистон томонини яқинлашиб келаётган Халқ инқилоби куни билан ҳам табрикланди.

Ўзбекистон — Мўғулистон дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалаларни кўриб чиқилди.

Барча даражадаги алоқалар ва алмашинувлар фаоллашди. Товар айирбошлаш кўрсаткичлари жаддал ўсиб бормоқда. Қўшма корхоналар сони кўпаймоқда, соғлиқни сақлаш, таълим, электрон савдо, қишлоқ хўжалиги, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаларида илк кооперация лойиҳаларини амалга ошириш бошланди.

Кунин кеча икки мамлакат ишбилармон доиралари ва идоралари вакиллари иштирокида қўшма бизнес форуми муваффақиятли ўтказилди, Улан-Батор шаҳрида Ўзбекистон махсулотларининг шуғуримига эга савдо уйи очилди.

Музокараларда иқтисодий кооперацияни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Яқин йилларда ўзаро савдони, энг аввало, талаб юқори бўлган махсулотлар номенклатураси ва ҳамжини ошириш ҳисобига қарасига кўпайтириш учун салмоқли салоҳият мавжудлиги қайд этилди.

Шу мақсадда имтиёзли савдо ва инвестицияларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимларни қабул қилишни тезлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарини иқтисодиётнинг

муайян тармоқларида саноат кооперациясини чуқурлаштириш муҳимлигини таъкидлади. Ҳамкорликнинг қатор истиқболли йўналишлари устувор этиб белгилаб олинди.

Бу, аввало, тоғ-кон соҳасидаги шериклик, жумладан, геология-қидирув дастурини ишлаб чиқиш, хомашё ресурслари конларини ўзлаштириш, технологиялар трансфери, тажриба алмашиш ва кадрлар тайёрлаш соҳалари.

Шу маънода, соҳадаги лойиҳаларни илгари суриш мақсадида Улан-Батор шаҳрида Ўзбекистон геология вазиригининг ваколатхонаси очилгани мамнуният билан қайд этилди.

Қўшма кластерлар ташкил этиш, гўшт-сут, жун ва чарм махсулотларини қайта ишлаш ҳамда ишлаб чиқариш бўйича кооперация лойиҳаларини илгари суриш асосида қишлоқ хўжалигида комплекс ҳамкорликни чуқурлаштиришдан манфаатдорлик билдирилди.

Транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ва янги логистика йўналишларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ил якунига қадрар пойтахтлар ўртасида тўғридан-тўғри авиакатновларни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Денгизга чиқиш имконияти бўлмаган мамлакатлар учун халқаро таҳлил институти билан биргаликда энг қисқа ва самарали транспорт йўлакларини аниқлаш бўйича амалий тадқиқотлар ўтказиш таклифи билдирилди.

Фаол маданий-гуманитар алмашинувларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди. Шу кунларда Улан-Батор шаҳрида Ўзбекистон маданияти кунлари, санъат ва туризм тадбирлари ўтказилгани мамнуният билан қайд этилди.

Олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни фаол ривожлантириш, ажратилаётган квоталар доирасида мўғул ёшларининг Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида таълим олишини қайта тиклашга келишиб олинди.

Эришилган келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича «Йул харитаси»ни қабул қилиш юзасидан аҳдлашилди.

Улан-Батор шаҳрида ўтган олий даражадаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух Кенг қаровли шериклик муносабатларини ўрнатил тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, Президентлар ҳузурида қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

- ўсимликлар карантини ва ҳимояси, олий таълим, тоғ-кон соноати, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фани, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар;
- икки мамлакат архив идоралари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;
- Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазириги билан Мўғулистон Иқтисодиёт ва тарақ-

қиёт вазириги ўртасида, ташқи ишлар вазириликларини ўртасида 2026-2027 йилларга мўлжалланган, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазириги билан Мўғулистон Маданият, спорт, туризм ва ёшлар вазириги ўртасида 2025 — 2028 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурлари;

- Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазириги билан Мўғулистон Озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва энгил саноат вазириги ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ҳамкорлик режаси;
- Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазириги билан Мўғулистон Маданият, спорт, туризм ва ёшлар вазириги ўртасида экотуризм соҳасидаги ҳаракатлар режаси.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух ўтказилган музокаралар натижаларига доир фикрларини баён қилдилар.

Давлатимиз раҳбарини ўз нутқининг бошида дўст Мўғулистон халқини яқинлашиб келаётган миллий байрам — Халқ инқилоби куни билан самими муборакбод этди.

- Мўғулистонлик дўстларимизнинг ижтимоий-иқтисодий ислохотларини амалга оширишдаги эътиборга лойиқ муваффақиятлари ва ютуқларидан чиндилан хурсандимиз, сининг тинчликсезвар ташқи сиёсатинингни тўла қўллаб-қувватлаймиз, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Бугунги кунда Мўғулистон иқтисодиёти барқарор юқори ўсиш суръатларини кўрсатаётгани таъкидланди. Мамлакатда саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма модернизация қилинмоқда. Қорақурум шаҳрини кенг қўллади реконструкция қилиш ишлари бошланган. Изили, прагматик ва фаол сиёсат тўғрисидаги мамлакатнинг халқаро нуфузи ошмоқда.

Ўзбекистон Президентининг Мўғулистонга илк ташрифи икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари ривожига тарихий воқеа бўлгани алоҳида қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарини ташрифининг асосий натижаларидан бири сифатида Ўзбекистон — Мўғулистон ҳамкорлигида янги босқични бошлаб берадиган муҳим ҳужжат — Кенг қаровли шериклик тўғрисидаги қўшма декларация имзолангани таъкидланди.

Музокаралар давомида амалий ҳамкорликнинг барча асосий масалалари ва истиқболли йўналишларини атрофлича кўриб чиқилгани, келажакка мўлжалланган аниқ вазифа ва режалар белгилаб олингани айтилди.

2024 йилда Тошкентда бўлиб ўтган саммитдан сўнг барча йўналишда алоқалар фаоллашгани қайд этилди. Жорий йил февраль ойида Ҳуқуқматлараро комиссиянинг биринчи йиғилиши самарали ўтказилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилати,

Шанхай ҳамкорлик ташкилати ва бошқа кўп томонлама тузилмалар доирасида яқин ҳамкорлик ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон Президентининг сўзларига кўра, музокараларда асосий эътибор иқтисодий ҳамкорликка қаратилди. Яқин йилларда товар айирбошлаш ҳамжини, энг аввало, харидоргир махсулотлар номенклатураси ва ҳамжини кенгайтириш орқали бир неча баробар ошириш вазифалари белгиланди. Улан-Баторда кўрғазма залига эга бўлган Ўзбекистон савдо уйи очилиши бу ишлар учун амалий асос бўлиши таъкидланди.

Ташриф арафасида Ўзбекистон ва Мўғулистон тадбиркорларининг бизнес форуми ва учрашувлари муваффақиятли ўтказилгани, янги шартнома ва битимлар имзолангани мамнуният билан қайд этилди. Давлат раҳбарлари бундан бўён ҳам тадбиркорлик учун барча шароитларни яратиш ва илгари ишбилармонлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга келишиб олдилар.

Шу муносабат билан имтиёзли савдо ва инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимларни энг қисқа муддатларда қабул қилишга келишилди.

Бундан ташқари, музокаралар чоғида икки мамлакат иқтисодиётлари бир-бирини самарали тўлдирishi мумкин бўлган тармоқларда саноат кооперациясининг аниқ йўналишлари белгилаб олинди.

Томонлар мунтазам равишда ўзаро концертлар, кўрғазмалар, кино намоишлари уюштириш, фестивалларда иштирок этишга келишиб олдилар.

Эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун икки мамлакат ҳуқуқматлари томонидан кенг қаровли «Йул харитаси» қабул қилиниши таъкидланди.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбарини Мўғулистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистонга келишга таклиф этганини маълум қилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух рафиқалари билан биргаликда икки мамлакат санъат усталарининг концертида иштирок этдилар.

Бугун давлат раҳбарларининг ирода-си ва сазй-ҳаракатлари тўғрисидаги халқларимиз янада яқинлашди, давлатлараро муносабатлар кенг қаровли шериклик даражасига кўтарилди.

Қўшма концерт Ўзбекистон — Мўғулистон дўстлиги ҳамда икки томонлама кўп қиррали муносабатларда янги босқич бошланганининг навабдаги ифодаси бўлди.

Истеъдодли санъаткорлар ижросидаги куй-кўшиқларда маданиятларимизнинг бойлиги, рангбаранглиги ва ўзига хослиги муҷассам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мўғулистонга давлат ташрифи давом этмоқда.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЯЛПИ МАЖЛИС МУҲОКАМАЛАРГА БОЙ БЎЛАДИ



Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисини Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлисини 2025 йил 25 июнь куни қаҳриш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Йиғилиш

Видеоконференцалока тизимидан фойдаланган ҳолда ўтказилган ялпи мажлис кун тартибига ҳамият, сиёсат, иқтисодиёт, қонунчилик, халқаро ҳамкорлик ва инсон ҳуқуқлари соҳалари оид қатор муҳим қонунлар ҳамда парламент назорати доирасидаги масалалар киритилган.

Жумладан, парламент аъзолари томонидан амалга оширилаётган ислотлар натижадорлиги, худудларда ишларнинг бориши, аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Сенати ҳамда қўшма депутатлари маҳаллий Кенгашлари олдида

турган биринчи даражали вазифалар муҳокама қилинади.

Бундан ташқари, парламентда сиёсий хилмахилликни таъминлаш, очиклик ва мунозара муҳитини ривожлантириш мақсадида мулоқотнинг кафолатланган ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган қонун кўриб чиқилади.

Сенаторлар томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда кафолат маблағларини жорий қилиш юзасидан қонунга таклиф этилаётган ўзгартиришлар ҳам муҳокама қилинади.

Шунингдек, мажлисда иқтисодий, аграр, экологик ҳамда инвестиция соҳаларига оид айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонунлар кўриб чиқилади.

Халқаро ҳамкорликка оид масала-

лар доирасида Туркий давлатлар ташкилотининг Фуқаро муҳофазаси механизмини ташкил этиш тўғрисидаги Битимни ратификация қилиш, шунингдек, Ядровий зарар учун фуқаролик жавобгарлиги тўғрисидаги Вена конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисидаги қонунларни муҳокама этиш режалаштирилган.

Шу билан бирга, сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2024 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилади.

Ялпи мажлисда инвестиция муҳитини яхшилаш, меҳнат қонунчилигига риёо этилишини таъминлаш ҳамда вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш ва тўлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан тегишли вазирлик ҳамда идораларга парламент сўровлари юбориш масалалари ҳам кўриб чиқилади.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҲАЁТИМИЗГА ДАХЛДОР МАСАЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар томонидан мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид долзарб масалалар, жумладан, ижтимоий иш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, валюта, қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар соҳасидаги қонун ҳужжатлари бир хилда қўлланилишига, энергияни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлашга доир қатор қонун лойиҳалари атрофида кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар томонидан мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид долзарб масалалар, жумладан, ижтимоий иш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, валюта, қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар соҳасидаги қонун ҳужжатлари бир хилда қўлланилишига, энергияни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлашга доир қатор қонун лойиҳалари атрофида кўриб чиқилди.



Ижтимоий иш соҳаси: муҳолифат фракцияси қатъий позициясини билдирди

Депутатлар дастлаб «Ижтимоий иш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқди. Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини давлат иж-

тимоий қўллаб-қувватлаш чоралари билан камраб олиш, ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатишнинг ижтимоий адолат мезонига асосланган шэфоф ва рақамлаштирилган янги тизимини жорий этиш бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ижтимоий ишни ташкил этиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими яратилган бўлса-да, соҳадаги муно-

сабатларни қонун даражасида тартибга солиш зарурати юзага келмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасида ижтимоий иш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари, ижтимоий иш ташкил этиладиган соҳалар, ижтимоий ишни ташкил қилишда идоралараро ҳамкорлик, ижтимоий ҳодимнинг мақоми, вазифалари ва мажбуриятлари ҳамда махсус ваколатли давлат органи ва унинг ваколатлари белгиламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси 2025 йил 25 июнь куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий

Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди. Ялпи мажлис Сенатнинг «YouTube» тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

Ўзбекистон вакили — ИХТнинг мустақил доимий комиссияси аъзоси

21-22 июнь кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида Ислам ҳамкорлик ташкилати (ИХТ) Ташқи ишлар вазирилик кенгашининг 51-сессияси «Ислам ҳамкорлик ташкилати дунё ўзгариши шароитида» шиори остида бўлиб ўтди.

Биз ва жаҳон

Тадбирда ИХТга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирилари, ИХТ раҳбарияти ва тузилмалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар, ил-

Сессиянинг асосий натижаларидан бири 2025 — 2028 йилларга мўлжалланган муддатта ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиянинг тўққиз нафар янги аъзоси сайлови ўтказилганидир.



ИСТИҚБОЛЛИ ХАМКОРЛИК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мўғлистон Президенти Ухнаагийн Хурлуусунинг таклифига биноан давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлиб турибди. Мазкур ташриф давомида Ўзбекистон билан Мўғлистон ўртасидаги дўстлик ва амалий ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади. Жумладан, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ҳамда номенклатурасини кенгайтириш, саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, қончилиқ, транспорт соҳалари ва бошқа устувор йўналишларда кооперация лойиҳаларини илгари суриш, фаол маданий-гуманитар алмашинуви давом эттириш эътибор марказида бўлади.

Акс садо

Шу ўринда иккала мамлакатнинг ўхшаш томонлари ва улар ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари борасида кўрача тўхталасан.

Мўғлистон ҳудуди 1565 миң квадрат километр бўлиб, aholиси 3,5 миллиондан зиёдروқни ташкил қилади. Давлат бошқаруви — парламентли республика, давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ҳокимияти Буюк давлат Хурали (парламент) амалга оширади. Бошқарув тузилмасида ҳукумат Бош вазирнинг таклифига биноан Президент билан келишилган ҳолда Буюк давлат Хурали томонидан тўзилади.

Мўғлистон 1921 йил июлда мустақилликни қўлга киритиб, 1924 йил 26 ноябрда биринчи Конституциясини қабул қилган. Утган асарнинг 90-йилларида Мўғлистонда демократик ислохотлар бошланди. Бу ислохотлар натижасида кўппартиявий тизим ва бозор иқтисодиётига ўтиш амалга оширилди. 1992 йилда қабул қилинган янги Конституция кучга кирди ва мамлакат Мўғлистон номи билан яритилиши белгиланди. Шу йиллардан бошлаб мамлакат марказлашган режа иқтисодиётдан воз кечиб, унинг ўрнига бозор иқтисодиёти жорий қила бошлади.

Мўғлистон билан Ўзбекистон ўртасида 1992 йил 25 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилди ва бугунги кунда икки давлат ўртасидаги сиёсий-иқтисодий-маданий соҳадаги мулоқотлар фаоллашиб бормоқда.

Икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва биргаликдаги сай-ҳаракатлари тўғрисидаги мулоқотларда Ўзбекистон Республикаси ва Мўғлистон давлати ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилимоқда. Давлатимиз раҳбарининг мазкур мамлакатга ташрифи эса Ўзбекистоннинг Осиё минтақасидаги ишончли ҳамкори ҳисобланган Мўғлистон билан дўстлик, сиёсий ҳамжihatлиқ ва хар томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга ҳисса қўшади.

Мўғлистон қатор халқаро ташкилотларга, жумладан БМТ, АСЕМ, ОТЕ, ХВЖга аъзо ҳисобланади, бундан ташқари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХТ), Шанхай ҳамкорлик ташкилотида кузатувчи макомга эга.

Халқаро майдонда бир-бирини фаол

қўллаб-қувватловчи давлатлар сифатида Ўзбекистон ҳам Мўғлистон сингари иқтисодий муносабатларни, яқин ҳамкорликни таъминлашдан манфаатдор ҳисобланади. 2024 йил 24 июнда Тошкент шаҳрида Мўғлистон элчихонасининг очилиши диплома-тик муносабатларнинг янада мустақамла-нишига кенг имконият яратди.

Шу йил 23 июнда Улан-Батор шаҳрида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг дав-лат ташрифи арафасида Ўзбекистон — Мўғ-листон бизнес форуми бўлиб ўтди. Тадбир-да икки мамлакатнинг вазирлик ва идора-лари, ҳудудлар, тармоқ уюшмалари раҳбар-лари ҳамда 300 дан ортиқ компания вакил-лари қатнашди.

Шунингдек, Улан-Батор шаҳрида "Made in Uzbekistan" шоурум-кўргазмаси ва мил-лиий савдо уйи очилди. 1 053 кв. м. майдон-да ташкил этилган кўргазмада Ўзбекистон-нинг тўқимачилиқ, қишлоқ хўжалиги, чар-моипойабзал, қурилиш материаллари, электр-техника, мебель, фармацевтика, автомобил-созлик ва тоғ-кон саноатида ишлаб чиқар-илган маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Мазкур савдо уйи икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустақ-камлаш ва Ўзбекистон маҳсулотларини янги бозорларга олиб чиқишга хизмат қилади.

Икки мамлакат ўртасида савдо айланма-си ҳажми 2024 йилда 20,4 млн. долларга етгани ўзaro савдо-сотик муносабатларининг ўсиб бораётганини кўрсатиб турибди. Айниқсан, агросаноат кооперацияси, транс-порт, қишлоқ хўжалиги, тоғ-кон саноати, геол-огик-қидирув, логистика ва маданий ҳам-корлик бўйича алоқалар жуда тез ривожла-ниб бормоқда.

Ўзбекистон — Мўғлистон дўстлик, кўп қиррали муносабатларни янада кенгайтириш ва мустақамлашда парламентларaro ҳам-корлик ҳам алоҳида ўрин тутмоқда. Жумла-дан, Ўзбекистон — Мўғлистон парламен-тлари дўстлик гуруҳлари ўртасидаги муноса-батлар, парламентларaro ҳамкорликни рив-ожлантириш бўйича белгиланган чора-тад-бирлар ижроси бунинг яққол намойишидир.

Жамила БОБОНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий
алоқалар, хорижий инвестициялар ва
туризм масалалари қўмитаси аъзоси.

«ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРГИЗИСТОН — ХИТОЙ — МЎҒЛИСТОН» КОРИДОРИ БЎЙЛАБ БИРИНЧИ ПИЛОТ ЮК ТАШУВИ МУВАФФАҚИЯТЛИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда "Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой — Мўғлистон" коридори бўйлаб биринчи пилот юк ташуви ташкил этилди.

Логистика

Транспорт вазирлиги маълумотига кўра, мазкур пилот юк ташуви мамлакатимиз тadbиркорлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни янги бозорларга олиб чиқиш, автомобиль транспортда янги коридорларда юк ташувларини йўлга қўйиш мақсадида амалга оширилди.

Мураккаб рельефи Олтой тоғлари бўйлаб ўтган мазкур коридор айрим қисмлари денгиз сатҳидан 1500 метр баландликкача

лар ўртасида экспорт ва импорт юк ташувлари ҳажмини ошириш билан бирга, савдо алоқалари географиясини кенгайтириш ҳамда товарларни етказиб бериш муддатларини қисқартириш имконини беради.

Бугунги кунда дунё логистика бозоридаги вазиятни инобатга олганда, мазкур коридорнинг ривожланиши Ўзбек миллий ташувчилари учун ўз бизнесини кенгайтириш, самардорликни ошириш ҳамда минтақавий ва глобал даражадаги ўринларини мустақамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур йўналиш давлат-

«Халқ сўзи».

ҲАЁТИМИЗГА ДАХЛДОР МАСАЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила (шахс) ни аниқлаш ва уларни ижтимоий ҳимояга муҳтож оила (шахс) деб топиш асослари, ижтимоий хизмат ва ёрдамлардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари назарда тутиляпти.

Кўнун лойиҳасида ижтимоий хизмат ва ёрдамлардан фойдаланувчи-га ижтимоий хизматларни кўрсатиши тугатиш асослари, ижтимоий хизмат ва ёрдам турлари ҳамда ижтимоий хизмат стандартлари ҳам акс этмоқда.

Кўнун лойиҳаси қизгин мунозараларга сабаб бўлди. **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Сайдулло Азимов** кўнун лойиҳаси юзасидан қатор муҳим масалаларга эътибор қаратди. Унинг таъкидлашича, мазкур лойиҳа долзарб масалаларни кўнун даражасида мустақамлашани кўзда тутган бўлса-да, унинг айрим жиҳатлари бўйича аниқлик киритиш зарурати мавжуд. Жумладан, кўнун кеча фракция йиғилишида кўнун лойиҳасининг қабул қилиниши Давлат бюджетига қўшимча харажатлар юклиши мумкинми, деган савол-га кўнун ташаббускорлари томонидан "йўқ, амалдаги ишлаб турган механизмлар тақомиллаштирилипти, янгича талаблар жорий этилмаяпти, бу борада харажат талаб этилмайди", деган жавоб берилган.

Шу билан бирга, депутатнинг сўзларига кўра, кўнун лойиҳаси таҳлил қилинганда 12 га яқин масалаларни ҳал этиш Вазирлар Маҳкамасига ҳақиқат қилинган, 30 га яқин ҳолатда эса амалдаги қўнунчиликка мурожаат этилган. Яъни лойиҳадаги барча муҳим масалалар тўлиқ кўнун даражасида ифодаланмаган, балки қонуности ҳужжатларига ҳавола қилиш орқали тартибга солиш назарда тутилган.

Бундан ташқари, яқинда Президентимизнинг тегишли Фармонига мувофиқ Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳодимлари давлат фуқаролик хизматчилари реестрига киритилган бўлиб, бу тоифадаги ҳодимлар учун алоҳида кўнун мавжуд. Шундай экан, кўнун лойиҳасида ижтимоий ҳимоя соҳаси ҳодимларига янада алоҳида маком бериш, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгиланиши ҳуқуқий ва амалий заруратини асослаш талаб этилади. Умуман олганда, агар кўнун лойиҳасида назарда тутилган

ватлашни ўзининг устувор вазифаси, деб билган муҳолифат фракцияси бу гал ҳам кўтарилган масалага ёндашуви кескин ва қатъий кўйди.

Фракция раҳбарига кўра, ушбу ҳужжат ижтимоий иш тўғрисидаги ёки ижтимоий ҳодимларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидами, деган қарар чиқаяпти.

Кўнун лойиҳаси аҳоли манфаатларини рўйбга чиқарадиган нормалар аниқ кўрсатилмасдан, кўпроқ маъмурий тартиб тамойилларни ўз ичига олмақда. Аслида, бу турдаги қўнунлар ижтимоий оғир вазиятга тушган аҳоли манфаатларида ёрдам, ижтимоий хизмат ва улардан фойдаланиш шартларини белгилаш керак эмасми?

Шу билан бирга, кўнун лойиҳасида махсус ваколатли орган ва унинг вазифалари аниқ ёритилган, лекин халқимизни, хусусан, электротартибимизни асосан кўрсатилмаган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар қизиқтиради.

Кўнун лойиҳаси фракцияда муҳокама қилинганда, ижтимоий ҳодим маҳалла даражасида 100 дан ортиқ ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиши тўғрисида маълумот берилди. Лекин нега бу хизматлар кўнун лойиҳасида кўрсатилмаяпти?

Асосийси, энг муҳим ҳисобланган ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатилиши билан боғлиқ моддалар ҳамда нормалар тўлиқ очиб берилмаган ва ҳаволаки тарзда баён этилган. Жумладан, ижтимоий иш жорий этилаётган муқобил шакллар (10-модда), ижтимоий ҳимояга муҳтож оила (шахс)ни аниқлаш, ҳисобга олиш ва уни ҳисобдан чиқариш тартиби (36-модда), ижтимоий хизмат ва ёрдамларни ижтимоий шартнома орқали кўрсатиш шартлари (38-модда), ижтимоий хизмат ва ёрдамларни тугатиш билан боғлиқ бошқа ҳолатлар (41-модда) Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши кўрсатилмоқда.

Кўриб турибдики, булар кўнун лойиҳасининг тўғридан-тўғри ишлашга шубҳа уйғотади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, У. Инояттов ўз ҳўдП фракцияси кўнун лойиҳасини концептуал жиҳатдан қўллаш ҳолда кейинги ўқишларга тайёралик жараёнида кўнун лойиҳасини қайта тайёралик мақсадага мувофиқ, деб ҳисоблашни маълум қилди.

ЎзИДП Фракцияси раҳбари Актам Хаитов давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу соҳага, хусу-

матбаҳо тошларнинг муомаллада бўлиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу кўнун лойиҳаси билан Жинот ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларни қўнунга хилоф равишда олганлик ёки ўтказганлик учун маъмурий ва жиний жавобгарликни назарда тутувчи қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, кўнун ҳужжатларидаги валюта қимматликлари, қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар соҳасидаги тушунчалар ўзаро мувофиқлаштирилипти. Бундан ташқари, валюта тушу-мининг бир қис-мини мажбурий сотишдан бўйин товланганлик учун маъмурий жавоб-гарликни бекор қилиш кўзда ту-тилмоқда.

Мазкур кўнун лойиҳаси валюта, қимматбаҳо ме-таллар ва қим-матбаҳо тошлар соҳасидаги кўнун ҳужжатларини б и р и л д а қ ў л л а ш г а , ҳуқуқбузарликлар-нинг барвақт олдини олишга қаратилган.

Мажлисда кўнун лойиҳаси депу-татлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш зарурати

Ёқилғи-энергетика соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш механизмларини тақомиллаштиришга қаратилган кўнун лойиҳаси муҳокама марказида бўлди.

Мамлакатимизда энергетика соҳасини модернизация қилиш, энергия ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳисоб-китоб тизимини шифолаштириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, соҳада юзага кел-маётган ҳуқуқбузарликларга қарши самарали курашиш, жавобгарликни кучайтириш ва назорат механизмларини тақомиллаштириш долзарб ва-зифалардан бирига айланган.

Ҳуқуқи қўллаш амалиёти шундан далolat бермоқдаки, тadbиркорлик субъекти томонидан электр ва ис-сийлик энергиясини беҳуда сарфлаш, табиий газдан ёқилғи ёки ҳомашё сифатида фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилса, жа-вобгарликка фақат ташкилотларнинг мансабдор шахслари тортилмоқда. Бу борада ҳуқуқбузарлик содир эт-ган акка тартибдаги тadbиркорларни жавобгарликка тортиш асослари эса белгиланмаган. Хусусан, 2024 йилда якка тартибдаги тadbиркорлар томо-нидан энергияни беҳуда сарфлаш билан боғлиқ 17,6 миңга, газдан ёқилғи ёки ҳомашё сифатида фой-даланиш қондаларини бузиш билан боғлиқ 7,6 миңга ҳолат аниқланган.

Бундан ташқари, "Ўзэнергоинспек-ция"нинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ваколат-лари кўнун ҳужжатларида аниқ бел-гилаб қўйилмаган. Икки ишлар орган-лари ва Фавқулодда вазиятлар ва-зирлиги ҳодимларига ҳам ушбу соҳа-да маъмурий баённома расмий-лаштириш ваколати берилмаган.

Шундан келиб чиқиб, мазкур кўнун лойиҳаси билан "Ўзэнергоинспекция"-нинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича баённома расмийлаштириш ваколати аниқ белгиланмоқда. Икки ишлар органлари ва Фавқулодда ва-зирятлар вазирлиги ҳодимларига эса ёритиш учун электр энергиясидан беҳуда ҳўжасизларча фойдаланиш ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий баён-нома расмийлаштириш ваколатини бериш таклиф этиляпти.

Шунингдек, энергия ресурслари-дан беҳуда фойдаланиш билан боғ-лиқ ҳуқуқбузарликлар бўйича якка тартибдаги тadbиркорлар ҳам маъ-мурий ҳуқуқбузарлик субъекти сифа-тида белгиланмоқда. Қолаверса, электр энергияси, газ ва сув тармоқ-ларига қўнунга хилоф равишда ула-ниш, уларни ўғирланганлик учун жа-вобгарлик чоралари қучайтирилипти.

Мунозаралар давомида депутатлар кўнун лойиҳасининг аҳамиятига ало-

ҳида тўхталиб, уни тақомиллаштириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, так-лиф ва тавсияларини билдирди. Лойиҳада назарда тутилётган айрим нормалар бўйича аниқлаштирувчи са-воплар кўтарилди. Жумладан, **Ўзбе-кистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Қизилгул Косимова** кўнун лойиҳаси кўпроқ санкцияларни оширишга қаратилган-га хавотир билдириб, жарималарни ошириш ҳуқуқбузарликларнинг қанчалик олдини олиши мумкин, бу алоҳида ортиқча оқ бўлмайди, де-ган саволни ўртага ташлади.

Кўнун ташаббускорлари берилган барча саволлар юзасидан батафсил тушунтириш бериб, мазкур ҳужжат

соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олди-ни олиш, уларнинг профилактикаси-ни қучайтириш ва қўнун устуворли-гини таъминлашга хизмат қилишини таъкидлашди.

Кўнун лойиҳаси депутатлар то-монидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Савдо ва экспорт салоҳияти янада ошади

Мажлисда кўриб чиқилган навбат-даги ҳужжат — "Халқаро метрик Кон-венцияга (Париж, 1875 йил 20 май, 1907 йил 17 октябрдаги, 1913 йил 11 октябрдаги ва 1921 йил 6 октябр-даги ўзгартириш ва қўшимчалари бил-ан) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида"ги кўнун лойиҳаси бўлди.

Халқаро метрик Конвенция 1875 йил Париж шаҳрида бўлиб ўтган дипло-матик конференция доирасида 17 та мамлакат вакиллари томонидан им-золанган. Ҳозирги кунга келиб Кон-венцияда 64 та давлат, жумладан, Туркия, Франция, Германия, Қозғис-тон, Хитой, Корея Республикаси, Япония қўшилган ҳамда 37 та давлат, жумладан, Ўзбекистон уюшган аъзо сифатида иштирок этмоқда.

Халқаро конвенцияга қўшилиш на-тижасида мамлакатимизнинг савдо-иқтисодий салоҳиятининг янада оши-ши заминида Жаҳон савдо ташкило-тига аъзо бўлиши йўлидаги ишлар жадаллашади. Халқаро савдо маса-лалари, жумладан, экспорт-импорт соҳасининг ажралмас қисми бўлмиш метрология соҳасида халқаро ҳам-корлик сезиларли даражада кенгай-ди, мавжуд техник тўсиқлар камаяди.

Ўзбекистон Республикасининг Халқаро метрик Конвенцияга қў-шилиш орқали Халқаро тарози ва ўл-човлар Бюросининг тўлақонли аъзоси маккоми олинади.

Халқаро метрик Конвенцияга қў-шилиш куйидаги имкониятларни беради:

- Тарозилар ва ўлчовлар Бош кон-ференцияси йиғилишларида иштирок этиш ва овоз бериш, шунингдек, Та-розилар ва ўлчовлар Бош қўмитаси-даги сайловларга ўз номзодларини илгари суриш;
- консултиватив қўмиталари ва Халқаро тарози ва ўлчовлар бю-росининг лабораторияларидаги илмий ва техник фаолиятда иштирок этиш;
- ҳодимлари Халқаро тарози ва ўлчовлар бюросига узоқ муддатли малака ошириш ва стажировка ўташ учун хизмат сафарига юбориш;
- аъзо давлатлар ўртасидаги навбат асосида Бюро лаборатория-ларида эталонларни қўшимча хара-жатларисиз калибровкадан ўтказиш.

Мазкур Конвенцияга қўшилиш Ўзбекистонда ўтказилган улашлар натижаларининг халқаро даражада тан олиншига эришиш ҳамда савдо ва экспорт салоҳиятини янада оши-ришга хизмат қилади.

Кўнун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенат-га юборилди.

«Халқ сўзи».



масалаларни амалдаги қўнунчиликни тақомиллаштириш ва мавжуд қонуности ҳужжатлари доирасида ҳал этиш имкони мавжуд бўлса, уларни жорий тартибда ҳал қилиш учун қандай тўсиқлар мавжуд? Нега бу муаммоларни ҳал қилиш учун амалдаги қўнунларни бекор қилиб, янги кўнун қабул қилиш зарур, де-ган ҳулосага келинмоқда?

Кўнун ташаббускорлари депутат кўтарган саволларга атрафлича ту-шунтириш бериб ўтди.

Парламентдаги муҳолифат — Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари Улўбег Инояттов кейинги йиллар-да мамлакатимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ижтимоий хизмат ва ёрдамларни кўрсатишининг янгича тизимини рив-ожлантириш борасида кенг қўла-ми ислохотлар рўбга чиқарилаёт-ганини қайд этган ҳолда, кўнун лойиҳасидаги айрим жиҳатлар, йўл қўйилган камчиликларни танқидий баҳолаб, фракциянинг қатъий пози-циясини билдирди. Бу бежиз эмас. Ижтимоий тенглик, аҳоли манфаат-ларини ҳимоя қилиш, давлат орган-лари фаолиятининг очиқлигига хиз-мат қилувчи қўнунларни қўллаб-қув-

сан, ижтимоий хизматлар кўрсатиш, камбағалликдан чиқариш бўйича кат-та ўзгаришлар амалга оширилаётган-га ургу бериб, айни вақтда кўнун лойиҳасининг долзарблиги ва муҳим-лигини қайд этди. Йиғилишда қўта-рилган масалалар қўнун лойиҳасини янада тақомиллаштиришга хизмат қилишини, уни иккинчи ўқишга тай-ёраш жараёнида фракция аъзоларига кўмакка тайёригини маълум қилиб, барчани кўнун лойиҳасини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўлла-б-қувватлашга чақирди.

Баҳс-мунозаралар ва савол-жавоб-лардан сўнг кўнун лойиҳаси депу-татлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинади

Мажлисда валюта қимматликлари, қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар муомаласи билан боғлиқ му-носабатларни тақомиллаштиришга қаратилган кўнун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, кейинги йил-ларда валюта соҳасини тақомиллаш-тириш, қимматбаҳо металлар ва қим-

ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБАЙЖОН БИРИНЧИ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ФОРУМИ ЎТКАЗИЛАДИ

Шу йилнинг 1-2 июль кунлари қадимий ва гўзал Хива шаҳрида "Янги уфқларни излаб: мулоқотдан ҳамкорликдаги ҳаракатларга" мавзuida илк бор Ўзбекистон — Озарбайжон парламентларaro форуми ўтказилади.

Хабар

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Озарбайжон Республикаси Миллий Мехлиси аъзо-лари ҳамда икки мамлакатнинг Ёшлар парламентлари вакиллари иштирок этади.

Ушбу анжумандан қўзланган мақ-сад парламентларaro ҳамкорликни кенгайтириш, қўнун ижодкорлиги ва парламент назорати соҳасида тажри-ба алмашиш, шунингдек, олий дара-жада эришилган келишувларни амал-га оширишга кўмаклашишдан иборат. Форум якунлари бўйича страте-гик шерикликни янада мустақам-

лаш, устувор соҳаларда икки томон-лама ҳамкорликни кенгайтириш, шу-нингдек, қўша ташаббусларни са-марали амалга ошириш бўйича ҳуқуқий асосларни тақомиллашти-ришга қаратилган яқиний ҳўжжат қабул қилиш назарда тутилган.

«Халқ сўзи».

ХАЛҚ ВА ДАВЛАТ ЎРТАСИДА МУЛОҚОТ КЎПРИГИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Янги Ўзбекистондаги янгиликлар, ижобий ўзгаришлар муҳитини Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ қилина бошланган "Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун" тамойили ташкил этади. Пировард мақсад — халқимизни ўз ҳаётидан рози қилиш.

Мулоҳаза

Албатта, ўзгаришлар ўз-ўзидан амалга ошмайди. Барча ҳафтада кечаётган кенг қўламли ислохотлар, янгиликларни тизимли ва янада жадалроқ давом эттириш катта кучга эга, идрок ва қатъият талаб қилади. Давлатимиз раҳбари ушбу тарихий жараёнда яна шундай юксак сифатларни намойён этяпти. Олиб борилаётган ислохотлар доимо давлатимиз, ҳукуматимиз диққат марказида. Шу йилнинг 16 июнь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида илохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши ва аҳолини қўллаш масалалар ташлиқи бўйича навбатдаги видеоселектор йўналиши ўтказилгани ва муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир, Ҳукумат аъзолари ҳамда ҳокимлар аҳборот бергани ҳам фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Ивондлик дастурида ҳам халқ манфаатларига хизмат қилувчи, инсон кадрини улуг'лайдиган ва адолатли бошқарувни таъминловчи тизим яратиш устувор мақсадлардан бири сифатида белгиланган. Бу эса илохотларнинг натижадорлигини таъминлаш, ижро интизомини кучайтириш орқали амалга оширилади.

Давлат раҳбари маҳаллий ташиқлотларнинг мустақил ҳаракат қилишига лаёқатсизлиги, аҳоли муурожаатларига етарлича эътибор берилмаётгани, ижтимоий тармоқларда норозилик руҳидаги чиқишлар пайдо бўлаётгани, суд қарорларининг ижросидаги кечиктирилган каби масалаларга эътибор қаратиши. Бу танқидий фикрлар "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини тўлиқ амалга ошириш масъулиятини зиммасига олган етакчи сиёсий куч ЎзЛиДеПга ҳам бевоисита тааллуқлидир. Хусусан, партиямиз инсоннинг ҳақ-хуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш давлат сиёсати, барча давлат органлари фаолиятининг энг устувор мақсади бўлиши керак, деган принципга таянади.

Мажлисда маълум қилинганидек, жорий йил якунига қадар 26,5 млрд. долларлик инвестиция жалб этилиши ва 3,3 млрд. доллар қийматидаги 35 та йирик лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Бу рақамлар катта иқтисодий салоҳиятдан дарак берапти. Шунинг баробарида уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши кўп жиҳатдан маҳаллий даражадаги бошқарув органлари савй-ҳаракатларига боғлиқ. Албатта, иқтисодий эркинлаштириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш ва хусусий мулкни ҳимоя қилишни дастурий мақсадлари этиб белгиланган ЎзЛиДеП мазкур ишлардан четда туролмайди.

Партияимиз депутатлари, фаоллари ўз ҳудудларида инвестициявий муҳит, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, солиқ имтиёзлари ва инфратузилма масалаларида вазиятнинг чуқур таҳлил қилиши, сармоядорлар учун қулай муҳит яратишига хизмат қилувчи ташаббусларни ўртага ташлаши, шубҳасиз.

Эскина иш услубларидан воз кечиш, янги ёндашувларни жорий этиш мамлакатимизда олиб борилаётган илохотларнинг муҳим таркибий қисминдир. Давлатимиз раҳбари илгари сурган янгиликлардан яна бири

— туман ва шаҳар даражасида бошқарув тизимини тубдан ислох қилиш, яъни ҳокимликларга қўшимча вазифалар бериш, уларга тегишли соҳалар бўйича ўз штат таркибини мустақил шакллантириш ва ҳудудни ривожлантириш бўйича масъулиятини кучайтириш. Бу йўналишда партиямизнинг вазифаси — белгиланган туман ва шаҳарларда янги бошқарув модели қандай қилиб яратилиши, унинг ижтимоий ва иқтисодий натижалари қандай намойён бўлаётгани бўйича кучли жамоатчилик назоратини олиб бориш. Фракцияимиз аъзолари эса ушбу илохотнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш, амалий жиҳатларини такомиллаштиришда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва депутатлик сўровлари орқали фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқ.

Фуқароларни қўйнаётган салбий ҳолатлар — халқ қабулхоналарининг эскина ишлаш тарзи, айрим давлат идоралари масъулиятсизлиги, муурожаатларнинг идораларга қўйилиши "ай-лятирилиши" одамларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Президентимиз томонидан тақлиф этилган "Халқ назорати" электрон платформи ва Халқ қабулхоналарининг мутлақо янги шаклда иш бошлаши, уларга ҳокимнинг бевоисита раҳбарлиқи қилиши аҳоли билан очиқ мулоқотни тубдан янги босқичга олиб чиқади. Аҳолининг турли қатлам вакиллари билан мулоқот ботида катта таърибга тўплаган партиямиз бу тизимнинг самарадорлигини таъминлаш учун доимий равишда аҳоли фикрини ўрганиб, мониторинг юри-

тиши ва тахлилий маълумотларни ҳукуматга етказиш бўйича жонбозлик кўрсатиши даркор.

Президентимиз аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, агросаноатни ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлиги, жамоат транспорти, йўл ҳаракатини яхшилаш борасида ҳам бир қанча устувор вазифаларни белгилаб берди. Улар партиясайловолди дастуридаги мақсадлар билан муштараклигини таъкидлаш зарур. Демак, бу вазифаларни бажариш учун бутун куч-имкониятларимизни сафарбар этишимиз талаб қилинади. ЎзЛиДеП жойлардаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилинишига кўмаклашиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш бораатчилик фаолияти самарадорлигини кескин ошириши зарур. Давлат органлари фаолиятини баҳолаш орқали халқ ва ҳукумат ўртасидаги ҳақиқий мулоқот кўпригини барпо этмоғи керак.

Партияимизнинг кўйи бугунларидан тортиб, парламент кўйи палатасидаги фракцияимизга масъулиятни чуқур ҳис этиб, Президентимиз бошчилигида ўтказилган йўналишда белгиланган чора-тадбирлар ижросига қирришиши даркор. Ҳозирда ЎзЛиДеП вазифалар бажарилиши бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириш, бу борадаги ҳолатни узлуксиз мониторинг қилиниши бошлади.

Ахтот ХАЙТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаги
ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари.



«UZIME – 2025» ХАЛҚАРО САНОАТ КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимиздаги "Ўзқспомарказ" кўргазмалар мажмуасида санат соҳасидаги йирик ва нуфузли тадбирлардан бири — "UZIME – 2025" халқаро санат кўргазмаси очилди.



Кўргазмада Хитойнинг етакчи ускуна ишлаб чиқарувчилари, технология провайдерлари ҳамда инвестиция компаниялари фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон томонидан кўргазмада 500 дан зиёд тадбиркорлар, санат, ишлаб чиқарувчи корхона раҳбарлари, соҳага алоқадор уюшма ҳамда агентликлар вакиллари катнашмоқда.

Юртимиз ишбилармонлари машхур Хитой компаниялари билан "B2B" шаклида қатор музокаралар ўтказиб, қўшма лойиҳалар, санат кооперацияси ва логистика соҳаларидаги истиқболли ҳамкорликни муҳокама қилмоқда.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон вакили — ИХТнинг мустақил доимий комиссияси аъзоси

Овоз бериш натижаларига кўра Ўзбекистон вакили — Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази директорининг биринчи ўринбосари, профессор Мирзатилло Тиллабоев уч йил муддатга ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиясига аъзо этиб сайланди.

Ушбу воқеа Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро дипломатияда ағзалган маъқо тобора ўсиб бораётганини яна бир бор тасдиқлайди ва мамлакатимизнинг кўп томонлама ҳамкорлик, исломий бирдмаллик ҳамда асосий эркинликларни ҳимоя қилиш принципларига содиқлигини намойиш этади.

Бундан ташқари, ушбу натижа Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро институтлар билан узаро ҳамкорлигидаги муҳим босқич бўлиб, ИХТга аъзо давлатларнинг мамлакатда амалга оширилаётган илохотларга ишончидан далolat беради.

Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссия ИХТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий эксперт органи ҳисобланади. Ушбу комиссия 2011 йилда ташкил этилган бўлиб, уч йил муддатга сайлангандан 18 аъздан иборат. Комиссия ИХТга кенг қўламли масалалар, жумладан, фуқаролар ва сиёсий ҳуқуқлар, ижтимоий адолат, озчиликлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, диний багрикенглик ва инсонларарчилик муаммолари бўйича маслаҳатлар беради.

Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссия ўз фаолиятида ИХТ Низами ва ИХТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Қоҳира декларациясига амал қилади. Ислом қадриятларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро нормалар билан уйғунлаштиришга интилади.

Ўзбекистон вакили — Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази директори, академик Акмал Саидов 2018 — 2021 йилларда илк бор ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси аъзолигига сайланган. Акмал Саидов 2019 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиясига раислик қилган ва ўша йили Тошкентда ушбу комиссиянинг ёшлар ҳуқуқларига бағишланган 6-йиллик семинари ўтказилган эди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази директорининг биринчи ўринбосари Мирзатилло Тиллабоев Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни ривожлантиришни мвификлаштириш, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишда муҳим роль ўйнаган. Унинг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссия аъзолигига сайланиши бир вақтнинг ўзида касбий тажрибасининг эътирофи ва Ўзбекистоннинг миллий тажрибасини ислом дунёси майдонида тақдим этиш ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича долзарб кун тартибини шакллантиришга ҳисса қўиши учун стратегик имконият ҳамдир.

ИХТ Ташқи ишлар вазирилари кенгашичининг 51-сессияси қарориди Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссия фаолиятининг устувор йўналишлари белгиланди. Бу ўринда, жумладан, Фаластин халқи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, исломлобфияга қарши курашиш, аёллар ва болалар ҳуқуқларини илгари суриш, диний багрикенгликни таъмин-

лаш, дунёда содир бўлаётган воқеаларга инсонпарварлик билан муносабатда бўлиш масалалари ҳақида сўз боради.

Янги технологияларни ҳуқуқий тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилиб, Сунъий интеллект тартибга солиш принциплари ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Жидда декларацияси қабул қилинди. Ушбу декларация ислом дунёсида бундай турдаги илк ҳужжатдир.

Сессия қарориди акс этган муҳим воқеалар қаторида 2024 йил июнь ойида Ўзбекистон томонидан ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича IV Самарқанд форуми ҳам алоҳида қайд этилди. Форум мисолда мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича глобал мулоқотни ривожлантиришга ўз муносиб ҳиссасини қўишганини таъкидланган.

Ўзбекистоннинг аъзолиги ИХТ комиссияси фаолиятига Марказий Осие минтақаси томонидан ҳам муносиб ҳисса қўишлиши имконини беради. Бу воқеалар, шунингдек, ИХТга аъзо давлатлар билан қонунчиликни такомиллаштириш, институционал ривожланиш, инсон ҳуқуқларига асосланган бошқарув ва таълим каби соҳаларда ҳамкорликни чуқурлаштириш учун қўшимча имкониятлар очади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиянинг тўлақонли аъзоси сифатида Ўзбекистон долзарб ташаббусларини илгари суриш ва умумий қадриятларга асосланган конструктив мулоқот учун янада салмоқли платформага эга бўлади.

«Дунё» АА.
Истанбул

СИРДАРЁ бўйларида

Тунда ҳам «қуёш» чарақлаган кўчалар



Халқаро аҳамиятга эга бўлган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари Сирдарё вилоятидаги аҳоли яшаш пунктидан утган қисмини ёритишда қуёш панелларидан фойдаланиш ҳажми ошиб бормоқда.

Яқинда "М-34" "Тошкент — Душанбе" автйўлининг 121 — 130 километрлари оралиғига ана шундай электр ҳосил қилувчи ускуналар ўрнатилди. Бундан олдин эса мазкур автйўлнинг 81 — 83 километрлари оралиғини айна энергия манбаи билан ёритиш йўлга қўйилган эди. Тез орада "А-376" автомобил йўлининг 224 — 229 километри оралиғидаги аҳоли яшаш пунктига ҳам қуёш панеллари жойлаштирилади.

Эндиликда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қурилиши билан боғлиқ лойиҳаларда айна автйўлларнинг тунги ёритишига зарурат бўлган барча қисмига қуёш панеллари ўрнатиш назарда тутилди, — дейди Сирдарё автомобиль йўллари бош бошқармаси эксплуатация бўлими шубба бошлиғи Ерлан Шералиев. — Нераки, ушбу муқобил энергия манбаининг афзалликлари кўп. Аввало, қуёш панеллари туфайли йўл ёриткичлар тоқ билан узлуксиз таъминланади. Бир кунда тўплаган қуввати бир неча тунга етади. Ёритиш харақати сезиларли даражада камаяди. Мўҳими, транспорт воситалари ва пидедалар ҳаракати хавфсизлиги таъминланади.

Чекка туманда юқори технологияли жарроҳлик амалиётлари

Ховос тумани тиббиёт бирлашмасида янги лапароскопик ускуна ишга туширилди. Натижада юқори технологияли жарроҳлик амалиётларини ўтказиш имконияти пайдо бўлди. Икки нафар шифокор лапароскопик ускуна воситасидаги амалиётларни бажариш бўйича махсус қайта тайёргилар курсларида ўқиди ҳамда амалий малакага эга бўлди.

Янги тиббий ускуна туфайли беморларга катта қулайлик яратилади, — дейди Ховос тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Мақсатулла Нарзуллаев. — Гап шундаки, аввал бундай ускуна орқали қилинадиган амалиётлар асосан вилоят марказида бажарилад эди. Узок йўл, ортикча харажат, навбатда туриш ва бошқа оворазорчиликларга энди барҳам берилди. Қолаверса, беморлар амалиётдан кейинги тикланиш жараёнини ҳам тиббиёт бирлашмаимизнинг жарроҳлик бўлимида ўтказиш имкониятига эга бўлди.

Эътиборлиси, лапароскопик ускуна муассасанинг ички маблағлари ҳисобидан сотиб олинди. Ҳозиргача унинг ёрдамида 54 та лапароскопик холецистэктомия, 1 та диагностика лапароскопия ҳамда 2 та оёқ ампутацияси каби юқори технологияли жарроҳлик муолажаси бажарилди.

Маълум қилинишича, Ховос туманида эндоурология, ангиохирургия ва протология йўналишидаги юқори тиббий технологияли жарроҳлик амалиётларни амалга ошириш ҳам режалаштирилган.

Кутубхоначисс кутубхона

Гулистон тумани ихтисослаштирилган мактаб-интернатиди мўъжаз кутубхона ишга тушди. Яъни ихчамгина янги зиё маскани муассасанинг асосий биносига кириш ҳудудида барпо этилди.



Янги кутубхонаимизни атайин мактаб ҳовлиси-га жойлаштиридик, — дейди мактаб-интернат директори Ғолибухон Бозоров. — Бундан қўзланган мақсад — ўқувчиларимизнинг мўталаа билан шуғулланиши учун янада қулай шароит яратиш. Энди мактабда ўқувчилар бир соатлик катта танаффус пайтида ҳам китоб ўқиши мумкин бўлади. Шунингдек, улар дарсдан ташқари хоҳлаган вақтда кутубхонадан фойдаланиш имкониятига эга.

Бу ерда ўқувчидан кутубхонага аъзолик вуғвоҳмаси сўралмайди. Қолаверса, унда кутубхоначи хизмат кўрсатмайди. Ўқувчи хоҳлаган адабиятни ўзи олиб, кутубхона атрофидаги ўриндикларда мўталаа қилган яна жойига қўйиб кетади. Кутубхона фонди 1000 нусха бўлиб, 300 нафар ўқувчига хизмат қилади.

Дарвоқе, мактаб-интернатнинг асосий кутубхонасида 10 мингга яқин китоб, кўпгаб электр кўринишдаги адабиятлар ҳамда мультимедиа махсулотлари мавжуд.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»)

Обод манзилга айланаётган «Зулфиқор»

Бугун мамлакатимизда маҳаллалар қиёфаси янгиликлар бормоқда. Кўп қаватли уйлар, кўча ва йўллар ташмирланиб, худудлар ободонлаштирилмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларининг кенгайтирилгани эса турли масалаларни жойларнинг ўзиди ҳал этиш, ҳамкорларимиз фаолигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Интнлиш

Андижон вилоятида маҳаллалар инфратузилмасини шакллантириш учун "Обод маҳалла" дастурига мувофиқ иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан шароити оғир худудлар танлаб олинди. Дейлик, Балиқчидаги Зулфиқор маҳалласида 2300 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бу манзилда деярли барча йўналишда муаммолар тўпланиб қолганди. Ишсизлик, камбағаллик, коммунал соҳалардаги масалалар ечимини кўтиб турганди.

Маҳалламиздаги йўллар абгор, электр таъминотида эса узилишлар кўп кузатиларди, — дейди шу маҳаллада яшовчи Иброҳимжон Қамчев. — Дастлаб йўлга эътибор қаратилди. 6 километрдан иборат асосий йўлга асфальт ётқизилган, транспорт воситаларининг эркин ҳаракатланиши учун қулайлик яратилди. Йўл четидан пидедалар учун алоҳида йўлак қурилиши эса ота-оналарнинг хурсандчилиғига сабаб бўлди. Бойси энди уларнинг фарзандларидан кўнгли тўқ: мактабга бемалол, хавотирсиз бориб келади. Қиска вақт ичида маҳалламиз энг намунали худудлардан бирига айланди.

либ, сўритоклар қуриб берилди, — дейди тадбиркор Зураҳон Ашурматова. — Томоркамиз катта бўлгани учун йўллага 50 — 60 миллион сўм даромад олмади. Қўнамизга эқилган тоқлар келгусида қўшимча даромад



манбаига айланади. Хисоб-китобимизга кўра, узум ҳосилидан бир йилда 10 миллион сўмгача даромад олма бўларкан. Ваҳолянки, бу ер бир умр фойдаланилмай, бекор ётганди. Бир кафт майдон шунча даромад беришини билиб, томоркамиздан ҳам унумли фойдаланишга киришилди. Хуллас, ҳовлимизнинг ўзи катта даромад манбаига айланди.



рилган лойиҳа ишларидан сўнг обиҳаёт билан таъминланганлик даражаси 85 фоизга етказилди.

Инсон ҳаётида сувнинг аҳамияти катта, — дейди шу маҳаллада истиқомат қилувчи Озоддахон Ахмедова. — Электр энергиясида узилиш бўлса, даровр шам ёқамиз. Табиий газ бўлмай қолса, ўтундан фойдаланиш мумкин. Сув бўлмаса-чи? Унинг муқобили йўқ-қў! Шу боис сув таъминотида доир қурилиш ишларидан хурсандимиз. Яқин-яқинда ҳам сувни қўшни кўчалардан ташиб келардик. Энди бўлса сув жўмрақлари хонадонимизга ўрнатиб берилди. Ундаги сув хисоблаш ускуналарининг ҳам афзаллик жиҳатлари кўп. У орқали нафақат сувни, балки у учун тўланадиган пулни ҳам 4-5 баробар иқтисод қилмас бўлади.

Маҳаллада электр таъминоти билан боғлиқ муаммолар ҳам бартараф этилди. Бунинг учун иккита янги трансформатор, 100 та эски сим-

ёғоч ўрнига янги темир-бетон устунарлар ўрнатилмоқда.

Маҳалламизда аҳоли бандлигини таъминлаш, доимий даромад манбаига эга қилиш, камбағалликдан чиқариш бўйича ҳам самарали ишлар йўлга қўйилган, — дейди Зулфиқор маҳалласи раиси Обиджон Қосимов. — Томорқачилик, деҳқончилик ва чорвачилик йўналишларида янги усулларни жорий этишга қирришдик. Бунинг учун вилоятдаги намунали маҳаллаларда бўлиб, тажриба ўргандик. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари ташкил этишга эришганмиз. Масалан, маҳалладошимиз Моҳирўё Сойибназаровага молиявий кўмак бериш орқали 20 нафар хотин-қиз бандлиги таъминланди. Улар тайёрлаётган тикувчилик махсулотларини ички бозорда харидорлар.

Ушбу корхонанинг айнан маҳалламизда ташкил этилгани айна муддао бўлди, — дейди тикувчи Соҳиба Тиллаева. — Илгари фақат далада ишлаб, даромад топиш мумкин эди. Ҳозир қулай шароитларга эга чехда доимий иш ўрнига эгамиз. Ойлик маошим ҳам чакки эмас.

Тахлилларга кўра, сўнги икки йилда ушбу маҳаллада камбағал ва ижтимоий ноқор оилалар сони 50 фоизга қисқарган. Бу эса юртдошларимизнинг ижтимоий фаолиги, ўз маҳалласи, эл-юрт тандирига, келажакда дахлдорлик хисси тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»)

ИҚЛИМ ВА СУВ МУАММОСИ

УНГА ПАНЖА ОРТИДАН ҚАРАШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

Марказий Осиё — бетақорр табиати, бой маданияти ва тарихи билан алоҳида ажралиб турувчи минтақа. Аммо сўнгги йилларда бу гўзал ва дунёда тенги йўқ ҳудуд иқлим ўзгаришларининг жиддий таъсирини ҳис қилмоқда. Ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, сув танқислиги, чўлланиш ва табиий офатларнинг кўпайиши минтақа келажагига жиддий таҳдид солмоқда.



оширган. Бу эса минтақада аллақачон иқлим ўзгаришидан жиддий жабр кўраётган қишлоқ ҳўжалиги ва сув таъминоти ни ҳаф остига қўйиши мумкинлигини асосланган ҳолда курашиш зарурлигини таъкидлади. Марказий Осиё — иқлим ўзгаришининг таъсирини энг кўп ҳис қилаётган минтақалардан. Орол денгизининг куриши, музликларнинг эриши, сув танқислиги, чўлланиш ва экстремал ҳаво ҳодисаларининг кўпайиши минтақанинг барқарор ривожланишига жиддий таҳдид солмоқда. Бу муаммолар иқтисодий, иجتимоий ҳаёт ва экологияга салбий таъсир кўрсатиб, минтақа давлатлари-

ўзгаришининг таъсирини камайитириш ва барқарор ривожланишни таъминлаш учун қатор чораларни куриши керак. Сувдан самарали фойдаланиш, суви тежайдиган технологияларни жорий этиш, суғориш тизимларини модернизация қилиш ва сув ҳўжалигини бошқаришининг инновацион усулларини қўллаш зарур. Шунингдек, трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш бўйича минтақавий ҳамкорликни кўчатириш лозим. Чўлланишга қарши курашиш учун дарракт экиш, ерларни тиклаш, ўрмонларни кўпайтириш ва ердан фойдаланишнинг барқарор усулларини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш орқали иссиқхона газлари чикиндиларини камайитириш мумкин. Бу қўбш, шамол, гидроэнергия ва биомассадан фойдаланишни рағбатлантиришни ўз ичига олади. Қишлоқ ҳўжалигида иқлимга мослашувчан усулларни қўллаш, кам сув талаб қилаётган экинларни этиштириш, ерларни муҳофаза қилиш ва органик дехқончиликни ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотишнинг самарали тизимларини яратишга эҳтиёж сезилмоқда. Аҳолини иқлим ўзгаришининг

“Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан чўлланишга қарши курашиш, дерадацияга учраган ерларни қайта тиклаш, қурғоқчил ва чўл ҳудудларда биоэкологик барқарорликни ошириш соҳасида мулоқот ва шериклик учун Экологик альянсини тузиш тақлифи Ўзбекистоннинг “яшил” ривожланиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири, десак, сира муболага эмас. Бундай альянс минтақа давлатларининг экологик муаммоларини ҳал этишдаги сабб-ҳаракатларини бирлаштиришга, илгор тажрибаларни алмаштиришга ва қўшма лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади.

дан зудлик билан чоралар куришни талаб этади. Иқлим ўзгаришининг асосий муаммолари, аввало, сув танқислигида курилади. Марказий Осиё сув ресурсларига бой бўлмаган ҳудуд. Иқлим ўзгариши музликларнинг эриши ва ёгингарчилик микродорининг камайишига олиб қелиб, сув танқислигини янада кўчатиришмоқда. Бу қишлоқ ҳўжалиги, саноат ва аҳолининг сув билан таъминланишига жиддий таъсир кўрсатади. Чўлланиш ва ерларнинг дерадацияси: иқлим ўзгариши ва ердан нотўғри фойдаланиш чўлланиш жараёнини тезлаштиришмоқда. Бу қишлоқ ҳўжалиги ерларининг ҳосилдорлигини пайсаттириб, чорвачилик ва дехқончилик билан шуғулланиш учун аҳолининг ҳаётига салбий таъсир кўрсатади. Иқлим ўзгариши экстремал ҳаво ҳодисаларининг, жулмалдан, қурғоқчилик, сув тошқинлари, селлар ва кучли шамолларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Бундай ҳодисалар иқтисодийга катта зарар етказиб, аҳолининг ҳаёти ва саломатлигига ҳаф тугдиради. Экологик муаммолар: иқлим ўзгариши биохимикларнинг йўқолиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг камайиши, ўрмонларнинг дерадацияси ҳамда экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келмоқда.

Марказий Осиё давлатлари иқлим

Жаҳондаги 400 та минтақа ёки ҳудудда ҳозир сув ўта тақчил. Бу борадаги тадқиқотларни эълон қилган Жаҳон заҳиралари институтига кўра, сув этишмаслиги сабаб миллионлаб одамлар бошқа жойларга кўчишга мажбур бўлиши, урушлар ва сиёсий нотинчликлар юзга келиши мумкин. Дунёда энг кўп чуқ сув экинларни суғориш учун ишлатилади. Кейинги ўринда саноат туради. Бугун Яқин Шарқ, Хиндистон, Покистон, Ботсвана, Эритреяда сув жуда тақчил. Туркменистон, Ўзбекистон ва Қозғистонда сув тақчиллиги сезилади. Чили ҳамда Туркиянинг қатор минтақаларида ҳам сув этишмайди. Хитой ва Россияда сув заҳиралари етарли, аммо бу икки мамлакат пойтахтлари — Пекин ҳамда Москвада сув кам. Европада эса Италия ва Испания юзга сув тақчиллиги муаммосига юз тўтмоқда. Охириги ярим асрдан кўпроқ вақт ичда ёки 1961 — 2020 йиллар давомида дунёда сув истеъмоли 2 ярим баравар ошган. Айниқса, қишлоқ ҳўжалиги экинларини суғориш учун чуқ сувнинг 67 фоизи сарфланади. БМТнинг Саҳролашига қарши конвенциясига кўра, чўл ва яримчўл минтақаларидаги аҳвол ҳозиргидек давом этади. 2030 йилга бориб, дунёда 24 миллиондан 700 миллионга одам ўз жойларини ташлаб, бошқа яшайдиган жойга кўчиши мажбур бўлади. Шу йил 20 июнь куни Сув ҳўжалиги вазирилик ҳузурдаги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг 100 йиллигига бағишланган “Марказий Осиёнинг глобал экологик ва сув муаммоларини ҳал қилишда илмий ёндашувлар” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда 20 дан зиёд мамлакатлардан 300 дан ортиқ депутатлар, элчилар, вазирилар, олимлар, халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашиб, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг иқлим ва сув муаммолари бўйича амалга ошираётган ишларини юксак баҳолашди. Иқлим ўзгариши ва сув муаммосига юзга келишига бир қатор омиллар сабаб бўлмоқда: масалан, иссиқхона газлари чикиндилари. Қўмир, нефть ва газдан фойдаланиш натижада атмосферага кўп микродан иссиқхона газлари чикарилади. Ўрмонлар иссиқхона газларини ютиб олади ва иқлимни мувозанатда сақлашга ёрдам беради. Ўрмонларнинг кесилиши эса иқлим ўзгаришини тезлаштиришмоқда. Ердан нотўғри фойдаланиш, суви исроф қилиш ҳамда кимёвий ўғитларни кўп ишлатиш туپроқнинг дерадациясига ва иқлим ўзгаришига олиб келмоқда.

Булардан қелиб чикадиган ҳулоса шуки, биз табиатга бефарқ бўлмаймиз. Бунга ҳаққимиз йўқ. Биз Президентимизнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, у кишининг раҳбарлигида жиқслашимиз лозим. Саноат корхоналарида, уй-жой коммунал ҳўжалигида ва транспорт соҳасида энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, суғориш тизимларини модернизация қилиш, сув тежовчи технологияларни қўллаш ва сув ҳўжалигини бошқаришининг инновацион ҳамда ердан фойдаланишининг барқарор усулларини жорий этиш, чўлланишга қарши курашиш, дарракт экиш, ерларни тиклаш, ўрмонларни кўпайтириш, бундан ташқари, экологик тоза транспортга ўтиш, жамоат транспортини ривожлантириш керак, деб ҳисоблаймиз. Хитойнинг илгор тажрибасини кенг жорий этиш, 2030 йилгача мўлжалланган “Яшил” ривожланиш дастурини қабул қилиш ва уни амалга оширишга имкон қадар тезроқ кирилиш, шунингдек, минтақавий Экологик альянсини шакллантириш Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу йўлдаги сабб-ҳаракатлар мамлакатимизнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва атраф-муҳитни муҳофаза этишга хизмат қилади.

Шавкат ҲАМРОЕВ, Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалиги вазири.

Долзарб мавзу

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев “Марказий Осиё — Хитой” иқлим саммитида сўзлаган нутқида икитроқчилар эътиборини минтақамиздаги иқлим ўзгариши муаммоларига қаратгани ҳам бежиз эмас. Чунки мамлакатларимиз барқарор тараққиётга катта ҳаф тугдирувчи хатар, бу иқлим ўзгаришлари оқибатларидир. Хитойнинг илгор тажрибасини кенг жорий этиш орқали бундай хатарларни камайитириш мумкин. Шунингдек, Хитой тажрибаси “яшил” кун тартиби ва атраф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги чора-тадбирлар самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини ҳам беради. Бу жараёнда 2030 йилгача мўлжалланган “Яшил” ривожланиш дастурини қабул қилиш ва уни амалга оширишга имкон қадар тезроқ киришиш мумкин. Шу маънода, давлатимиз раҳбари чўлланишга қарши курашиш, дерадацияга учраган ерларни қайта тиклаш, қурғоқчил ва чўл ҳудудларда биоэкологик барқарорликни ошириш соҳасида мулоқот ва шериклик учун бизнинг форматда Экологик альянсини тузишни тақлиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан илгари сурилган “яшил” ривожланиш стратегияси мамлакатимизнинг барқарор келажагини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ҳўш, Хитойнинг “яшил” ривожланишидаги муваффақият омилларни ниманда?

Хитой сўнгги йилларда “яшил” ривожланиш соҳасида катта ютуқларга эришди. Хитой ҳўкумати “яшил” ривожланиш миллий сиёсат даражасига қўтарди ва бу борада аниқ мақсад ҳамда вазибаларни белгиллаб олди. “Осмон-сув мамлакатини” “яшил” технологиялар, қайта тикланувчи энергия манбалари ва атраф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига катта микродан инвестиция киришмоқда. “Яшил” технологиялар соҳасида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни қўллаб-қувватлаш орқали инновационларни рағбатлантирилаётгани ҳам соҳада муваффақиятларга эришиш имконини беради. Шу билан бирга, расмий Пекин атраф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қонунчилик базасини такомиллаштириди ва экологик талабларни бузганлик учун жавобгарликни кўчатириди. “Яшил” ривожланиш соҳасида бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилинаётгани ҳам эътиборга лозим.

Демак, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан чўлланишга қарши курашиш, дерадацияга учраган ерларни қайта тиклаш, қурғоқчил ва чўл ҳудудларда биоэкологик барқарорликни ошириш соҳасида мулоқот ва шериклик учун Экологик альянсини тузиш тақлифи Ўзбекистоннинг “яшил” ривожланиш йўлидаги муҳим қадамларидан бири, десак, сира муболага эмас. Бундай альянс минтақа давлатларининг экологик муаммоларини ҳал этишдаги сабб-ҳаракатларини бирлаштиришга, илгор тажрибаларни алмаштиришга ва қўшма лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади.

РЕКЛАМА

«ELEKTRON REALTOR» МЧЖ

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога тақлиф этади!

Савдолар 2025 йил 27 июнь кундан бошлаб ҳар куни соат 15.00 да мулклар сотилгунча ўтказилади.

Савдога қўйидаги мулклар қўйилмоқда:

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ билан тузилган 2025 йил 18 июндаги №18-2025ER сонли шартномага асосан, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ балансида бўлган мулклар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПК-142 сонли қарорига мувофиқ сотувга чикарилмоқда.

1. Бухоро вилояти Когон тумани “Янгиҳаёт” МФЙ Янги ҳаёт кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий ер майдони 13 000,00 кв. метр, шундан қурилиш ости майдони 4 065,70 кв. метр бўлган “ГИПС, ЛАК-БҮЁЁК ИШЛАБ ЧИКАРИШ” ЦЕХИ (ҚУРИЛИШИ

ТУГАЛЛАНМАГАН), бошланғич баҳоси: 1 449 076 409 сўм.

2. Сирдарё вилояти Оқолтин тумани “Мустанқиллик” МФЙ Шижоат кўчаси, 130-уйда жойлашган умумий ер майдони 1 027,00 кв. метр, шундан қурилиш ости майдони 434,20 кв. метр, фойдаланиш майдони 827,88 кв. метр бўлган 16-сонли савдо дўкони, бошланғич баҳоси: 1 248 463 000 сўм.

3. Тошкент шаҳар Олмазор тумани “Зиё” МФЙ Қорақамиш кўчаси, 5-“А” уйда жойлашган ер участкасидаги улушининг майдони 99,00 кв. метр, фойдаланиш майдони 882,70 бўлган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси, бошланғич баҳоси: 2 196 546 152 сўм.

4. Бухоро вилояти Бухоро шаҳри О. Ҳўжаев номидаги МФЙ Алпомин кўчаси, 5к3-уйда жойлашган ер

участкасидаги улушининг майдони 93,00 кв. метр, фойдаланиш майдони 557,60 бўлган “Диагностика маркази”, бошланғич баҳоси: 1 055 326 382 сўм.

5. Бухоро вилояти Қоровулборзор тумани “Тинчлик” МФЙ Бобур кўчаси, 17-уйда жойлашган, умумий ер майдони 4 400,00 кв. метр, шундан қурилиш ости майдони 985,71 кв. метр, фойдаланиш майдони 1 291,26 кв. метр бўлган маъмурий бино ва иншоотлар, бошланғич баҳоси: 650 603 103 сўм.

6. Наманган вилояти Учқўрғон тумани “Каттачек” МФЙ Амир Темур кўчаси, 100-уйда жойлашган, умумий ер майдони 77 736,00 кв. метр, шундан қурилиш ости майдони 5 208,92 кв. метр, фойдаланиш майдони 4 759,16 кв.м бўлган чорвачи-

лик фермаси, бошланғич баҳоси: 2 875 772 191 сўм.

7. Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри “Юксалиш” МФЙ Тошкент шохкўчаси, 4-уй, 8-хонадонда жойлашган, фойдаланиш майдони 72,88 кв. метр бўлган кўп қаватли уйдаги хонадон, бошланғич баҳоси: 347 018 330 сўм.

8. Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри “Юксалиш” МФЙ Тошкент шохкўчаси, 4-уй, 28-хонадонда жойлашган, фойдаланиш майдони 72,88 кв. метр бўлган кўп қаватли уйдаги хонадон, бошланғич баҳоси: 330 785 530 сўм.

9. Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри “Юксалиш” МФЙ Тошкент шохкўчаси, 4-уй, 10-хонадонда жойлашган, фойдаланиш майдони 72,88 кв. метр бўлган кўп қаватли уйдаги хонадон, бошланғич баҳоси: 340 771 380 сўм.

10. Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри “Юксалиш” МФЙ Тошкент

шохкўчаси, 4-уй, 30-хонадонда жойлашган, фойдаланиш майдони 72,88 кв. метр бўлган кўп қаватли уйдаги хонадон, бошланғич баҳоси: 347 018 330 сўм.

11. Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри “Юксалиш” МФЙ Тошкент шохкўчаси, 4-уй, 6-хонадонда жойлашган, фойдаланиш майдони 72,88 кв. метр бўлган кўп қаватли уйдаги хонадон, бошланғич баҳоси: 344 976 870 сўм.

12. Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри “Юксалиш” МФЙ Тошкент шохкўчаси, 4-уй, 34-хонадонда жойлашган, фойдаланиш майдони 72,88 кв. метр бўлган кўп қаватли уйдаги хонадон, бошланғич баҳоси: 337 574 260 сўм.

13. Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани “Навбахор” МФЙ Навқирон кўчаси 39/3-уйда жойлашган, умумий ер

майдони 305,00 кв. метр, шундан қурилиш ости майдони 172,36 кв. метр, фойдаланиш майдони 313,20 кв. метр бўлган нотураб бино, бошланғич баҳоси: 357 198 570 сўм.

14. Хоразм вилояти Ҳовот тумани А. Р. Беруний номидаги МФЙ Табобат кўчаси, 841-уйда жойлашган, умумий ер майдони 969,33 кв. метр, шундан қурилиш ости майдони 613,14 кв. метр, фойдаланиш майдони 565,77 кв. метр бўлган нон комбина-ти ва дўкон биносининг бир қисми, бошланғич баҳоси: 476 592 167 сўм.

Савдога қўйилган мулк билан бево-сита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар e-rieltor.uz дастури орқали ариза беришлари мумкин. Call маркази: +99855-517-22-20.

Расмий сайтимиз: www.e-rieltor.uz

Буюк Британия пойтахтида «Ўзбекистон маданияти ва миллий таомлари» фестивали бўлиб ўтди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 13 107 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетаник хабарини маълумотларини оқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибалик 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Тахририятга келган кўлаблар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.

Газетанинг тарқатиш берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Бегмуртова томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусахҳач — С. Ислмов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 00.10 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6